Ушбу сонда:
2 НАРКОБИЗНЕС - ТЕРРОРНИНГ МОЛИЯВИЙ РАҲНАМОСИ
3 TV дастури
4 *Ҳукм ўқилди* «ШЕР» БЎЛГАН ЭР ҚИСМАТИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 25 сентябр, шанба № 135 (782)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЯККА ТАРТИБДА УЙ ҚУРУВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Сурхондарё вилоятида якка тартибда уй-жой қуриш истагида бўлган кўп болали ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларни қурилиш ва бошқа материаллар билан имтиёзли таъминлашни кучайтириш мақсадида келгуси йил учун 85 миллион сўм ажратилади.

Вилоят ҳокимлиги шу тўғрида қарор қабул қилиб, тегишли ташкилотларга бу маблағларнинг аниқ йўналтирилган ҳолда сарфланиши устидан қатъий назоратни амалга оширишни топширди. Бунда, аввало, қишлоқ ва маҳалла фуқаролари кенгашлари якка тартибда уй-жой қуришга эҳтиёжмандларнинг аризаларини биринчи навбатда кўриб чиқишлари лозим.

Чори ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

ХАЛҚ ОСОЙИШТАЛИГИ УЧУН КУРАШ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР!

Марказий Осиё халқлари маданият арбобларига МУРОЖААТ

Азиз дўстлар, қозоқ бовурлар, қирғиз ва тожик биродарлар!

Кейинги йилларда Ислом динини ниқоб қилиб олган турли экстремистик гуруҳлар ва ашаддий ақидапарастлар курраи заминнинг турли минтақаларида шафқат билмас ёвузликлар содир этиб, халқларнинг тинчлиги ва осойишта ҳаётига таҳлика солмоқда. Афғонистон, Доғистон ва Тожикистонда бу манфур тўдалар томонидан амалга оширилган қатли-қирғинлар ана шу қабоҳатнинг амалдаги кўринишидир. Ватани ва миллатининг тайини бўлмаган бу халқаро террорчилар, қора ниятли кимсалар шу йил 16 февралда Ўзбекистон пойтахтида ҳам машъум мақсадларини, террорчилик режаларини амалга оширишга уриниб, ўнлаб бегуноҳ инсонларнинг умрига зомин бўлган эди.

Яқинда эса ана шу қабиҳ ватангадо каллакесарлардан иборат катта бир гуруҳ - ақидапарастлар қўшни Қирғизистоннинг чегарасини бузиб ўтиб, биродар қирғиз халқининг осойишта ҳаётига тажовуз қилди. Шунингдек, ўзбек халқининг ҳам тинч турмушига таҳлика тушди. Аслини олганда, бу ёвуз тажовуз фақат қирғиз, тожик ва ўзбек халқларининггина эмас, балки минтақамиздаги барча халқларнинг тинчлигини бузиш, Афғонистон, Доғистон ва бошқа ўлкаларда содир этилган қабоҳатни такрорлаш мақсадида амалга оширилаётган бир жиноятдир.

Азиз дўстлар! Мана шундай мураккаб бир вазиятда биз, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси атрофида юксак ниятлар асосида бирлашган маданият, фан, адабиёт ва санъат арбоблари, сукут сақлаб тура оламизми?

Асло!

На ота, на она, на гўдакка шафқат билмайдиган бу террорчиларга қарши бонг уриш, ўзимизнинг ўткир қаламимиз билан бу ёт унсурларнинг манфур ниятини шафқатсиз фош этиш вақти келмадими?

Минтақамиз осмонида пайдо бўлган бу қора булутларга қарши оташин сўз билан курашиш пайти келди. Зеро, бу ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Асрлар давомида қанчадан-қанча оғир мусибатларни бошидан кечирган ота-боболаримиз бизга шундай жаннатмакон заминни мерос қолдирган экан, биз ҳам ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов айтганидек, келажак авлодларга ўзимиздан озод ва обод Ватан қолдирмоғимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ҳозирги эркин ҳаёт, қардош халқларнинг буюк келажак яратиш йўлидаги кураши кўнгилларда фахр ва ифтихор кўзғайди. Зеро, она Ватанини севган ҳар қандай инсон минтақадаги тинч ва осойишта ҳаётни, ўз уйи, ўз маҳалласи, ўз Ватанини кўз қорачиғидай асраб-авайлашни муқаддас бурчи, деб билмоғи лозим. Минтақамиз тинчлиги эса, бу ердаги ҳар бир оила, ҳар бир инсон тинчлигининг кафолатидир.

Дунёдаги ҳар қандай ташвишли воқеа санъат аҳлининг юрагини ларзага келтиради. Биз, Марказий Осиё халқлари ижодкорлари, Қирғизистоннинг Боткен ва Чўнг Олой туманларида содир этилаётган бузғунчилик ҳаракатларига тезда барҳам берилишига имонимиз комил. Шу кунлар тезроқ келиши йўлида қирғиз халқига зўр матонат, сабр-тоқат тилаймиз ва минтақамиздаги барча халқларни ҳушёрликка, сергакликка даъват этамиз.

Чингиз АЙТМАТОВ,
Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясининг Президенти, Қирғизистон халқ ёзувчиси, Қирғизистон Қаҳрамони.

Одил ЁҚУБОВ,
Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясининг биринчи вице-президенти, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Абдулла ОРИПОВ,
Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясининг вице-президенти, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони.

Абдуҳамид САМАДОВ,
Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясининг вице-президенти, Тожикистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби.

Мухтор ШАХАНОВ,
Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясининг вице-президенти, Қозоғистон ва Қирғизистон халқ шоири.

Ўлмас МИРСАИДОВ,
Тожикистон Республикаси Фанлар Академиясининг президенти.

Абдужамил НУРПЕИСОВ,
Қозоғистон халқ ёзувчиси.

Тўлепберган ҚАИПБЕРГАНОВ,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси.

Казат АКМАТОВ,
Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси вице-президенти, ёзувчи. Қирғизистон.

Нодирбек АЛИМБЕКОВ,
Қирғизистон Республикаси ёзувчилар уюшмасининг раиси.

Ҳалол меҳнат ҳар бир инсонга бахт келтиради. Бу шодон кайфиятдаги пахтазор юлдузлари - Навбаҳор туманидаги «Навбаҳор» хўжалиги теримчиси Сайёра Очилова (чапда) ва Усмон Юсупов туманидаги Махтумқули номли жамоа ширкат хўжалиги аъзоси Гулзода Нурматова кунига 120-140 килодан дур йиғиштириб, хирмонга барака киритишмоқда. Меҳнат зарбдорлари бу йилги мавсумда мўмай даромад эгаси бўлишмоқчи.

А.ЗУФАРОВ (ЎзА) ва Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар.

Жўшқин ҳаёт нафаси

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Бухорода Вазирлар Маҳкамаси истеъмол бозори масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг йиғилиши бўлди. Вилоят ҳокими С.Ҳусенов бошқарган бу йиғилишда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, истеъмол бозорини тўлдириш бўйича йил давомида амалга оширилган ишлар таҳлил этилиб, галдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов йиғилишда сўзга чиқиб, истеъмол бозорини бугунги кун талаблари даражасида тўлдириш, бу борадаги камчиликларга барҳам бериш масалаларига батафсил тўхталди.

СИФАТЛИ УРУҒЛИК ПАХТА

Олтинкўл туманидаги «Намуна» хўжалиги пахтакорлари зафар маррасига эришди. Давлатга салкам 2 минг 40 тонна пахта, шу жумладан, қарийб тўққиз юз тонна сифатли уруғлик пахта топширилди. Гектар бошига ўртача 31,6 центнердан ҳосил кўтарилди. Пахтакорлар ялпи ҳосилдорликни 46 центнерга етказиш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

Шунингдек, тумандаги «Андижон» хўжалиги миришкорлари ҳам режани бажарди. Улар уйган хирмон 830 тоннадан ортди.

«НИШОН»ЛИКЛАР МАРРАГА ЕТДИ

Нишон туманидаги «Нишон» хўжалиги Қашқадарёда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш шартнома режасини бажарди. Қабул пунктларига 160 тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб берилди. Ўртача ҳосилдорлик 20 центнерни ташкил этди. Хўжалик пахтакорлари ялпи ҳосилни 300 тоннага етказишга аҳд қилди.

(ЎзА)

ҚИРҒИЗИСТОННИНГ ТАҲЛИКАЛИ КУНЛАРИ

Саратоннинг сўнгги ойи Россия ва Қирғизистон учун беҳаловат келди. Жангари тўдаларнинг Доғистоннинг Ботлих, Қирғизистоннинг Боткен туманларидаги ёвуз ҳаракатлари ва бу ҳаракатларнинг бир хиллиги, деярли бир вақтда бошланганлиги, террорчиларнинг қонли қилмишлари ниҳоятда ўхшашлиги кишини чуқур ўйга толдиради. Ботлих, Боткен... Жўғрофий жойлашуви ҳам, номи ҳам, тақдири ҳам нақадар ўхшаш.

Хўш, Қирғизистонда воқеалар нега бундай кескин тус олди? Ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрган, тоғу тошларда жанг қилишнинг ҳадисини олган, замонавий қурол-аслаҳага, жангу жадал борасида тажриба-ю, малакага эга бўлган террорчи тўдалар ва уларнинг ҳомийлари Қирғизистоннинг мудофаа қудрати заифлигини, айниқса, ҳарбий техника, қурол-аслаҳа, ўқ-дорилар тақчиллигини, мавжуд аскарларнинг ҳам жанговар тайёргарлиги ҳаминқадарлигини обдон ўрганган. Мамлакат чегараси фақат сиёсий харитада мавжуд эди, холос. Айниқса, Тожикистонда узоқ йиллар давом этган фуқаролар урушидан ҳулоса чиқарилмаган эди. Кўшни давлатдаги турли хил экстремистик гуруҳларнинг қилмишларини, у ердаги жангарилар лагерларини кўра-била туриб, унинг хавфидан огоҳ бўлишмади.

Сирасини айтганда, Тожикистоннинг Жирғатол, Ғарм ва бошқа туманларида уя қуриб олган террорчилар Қирғизистон ҳудудига илгари ҳам тез-тез ўтиб турган. Қирғизистон собиқ миллий хавфсизлик вазири, генерал Феликс Кулов «Озодлик» радиосига берган интервьюсида 1997-1998 йилларда тожик жангарилари томонидан мамлакат чегаралари мунтазам равишда бузиб ўтилганлигини таъкидлади. Жумладан, улар тадбиркор, тижоратчи сифатида Ўш вилояти туманларига келиб турган. Мазкур минтақадаги ҳамтовоқлари эса тижоратчи сифатида Тожикистонга ўтиб турган. Натижада ўз манфаатлари йўлида турли ахборотлар алмашишган, разведка маълумотларини ўрганишган, ўзаро шартномалар тузишган. Хуллас, ҳозирги босқинчилик режалари ўша пайтда тузилган.

Қирғизистон жанубида вазият ҳамон қалтислигича қолмоқда. Ҳукумат қўшинлари билан жангари тўдалар ўртасида тунлари отишмалар бўлиб турибди. Интерфакс агентлигининг хабар қилишича, ўтган ҳафта 25 нафар жангари ҳукумат қўшинлари постига ҳужум уюштирган. Лекин уларнинг ҳамласи натижасиз тугаган. Қирғизистон мудофаа вазирлигининг маълумотига кўра, жангарилар Хўжа-Очган тоғли водийсида ўрнашиб олган.

— Жангарилар Қирғизистоннинг ички ҳудудларига ёриб ўтиш учун зўр бериб уринмоқда, — деди Бишкекда ўтказилган брифингда Қирғизистон Хавфсизлик кенгаши котиби Бўлат Жонузоқов. Унинг айтишича, жангарилар атрофидаги халқа тобора қисилмоқда. Бундан талвасага тушган босқинчилар оддий аҳолидан жонли қалқон сифатида фойдаланмоқда.

— Жангарилар томонидан гаровда ушлаб турилганларнинг аҳволи яхши, ҳаммаси соғ-саломат, — деди Б. Жонузоқов. Уларни эсон-омон босқинчилар чангалидан озод этиш учун Бишкек барча чора-тадбирларни кўради. Жангарилар гаровдагиларни Тожикистон ҳудудида ушлаб турган бўлса-да, улар манзилини тез-тез ўзгартириб турибди. Қирғизистон ҳукумати мамлакат жанубидаги вазият, хусусан гаровдаги япон геологларини қутқариш борасидаги тадбирлар режаси ҳақида Япония томонига ахборот бериб турибди. Токио ҳам фуқароларини озод қилиш борасидаги Бишкек тадбирларини қўллаб-қувватламоқда.

Босқинчилар эгаллаб олган Зардоли, Кўргон, Хўжа-Очган қишлоқларидан қочиб чиққан кишиларнинг айтишича, жангарилар орасида жароҳатланганлар, касаллар кўп. Жангарилар маҳаллий аҳолини очиқдан-очиқ талашга, кишиларни хўрлашга, талончиликка ўтган. Тинч аҳоли уйларига бостириб кириб, озиқ-овқат, иссиқ кийим-кечак талаб қилмоқда. Кишиларни истиқомат жойларидан оч, юпун ҳайдаб чиқармоқда. Ваҳоланки, ҳозир бу қишлоқларда кун кечириш ниҳоятда оғир. Одамлар бир бурда нонга зор бўлиб турган бир пайтда талончилар қишлоқ аҳолисининг мол-ҳолларини, кишиларнинг охирги ризқ-рўзи — сўнгги насибасини шафқатсизларча тортиб олмоқда. Натижада улар босқинчи-

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Тошкент шаҳар ва вилоят судлари раислари, тегишли вазирлик ва идораларнинг вакиллари иштирок этди.

Олий суд раиси У.Мингбоев бошқарган мазкур пленумда «Фуқаролик кодексини татбиқ этишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида», «Фуқаролик ишларини судда кўриш муддатлари тўғрисида»ги ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда олиб борилаётган суд ислоҳотлари ўзининг янги босқичига кўтарилди. Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ тўртинчи, олтинчи ва ўн бешинчи сессияларида республикамиз суд тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлиги ҳамда бу ҳолат давр талаби эканлигини алоҳида таъкидлаган эдилар. Шундан буён ўтган давр мобайнида бу борада бир мунча ишлар амалга оширилди. Айни вақтда босқичма-босқич ҳал этилиши лозим бўлган кўпгина масалалар ўз ечимини кутмоқда. Суд амалиётини Конституция ва қонунлар моҳиятига тўла мос равишда олиб боришга эришиш бугунги кундаги энг асосий вазифалардан биридир.

Пленумда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ҚИРҒИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

Қирғизистон жанубидаги вазият ҳамон кескинлигича қолмоқда. Жангарилар Хўжа Очкан қишлоғидан Сирт қишлоғига ўтишга уриниб кўрди. Лекин, «Град» қурилмалари ёрдамида берилган реактив замбараклар зарбасига учраб, ўтиш қийин бўлган тоғли ҳудудларга чекинди.

Террорчилар ўзлари эгаллаб турган ҳудудлар мудофаасини мустаҳкамлаш ва кучайтириш ҳамда назорат постларини жиҳозлашни давом эттирмоқда. Уларнинг асосий мақсади қиш келгунча эгалланган ҳудудларда моддий база яратишдир.

Бирлашган тожик мухолифати қуролли гуруҳларининг бошлиқлари озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-яроғ ва ўқдори бериш орқали жангариларга ёрдам кўрсатишда давом этмоқда. Маҳаллий аҳоли вакилларининг гувоҳлик беришича, 22 сентябр куни Тожикистон Республикасининг Жирғатол туманидан Зардоли, Хўжа Очкан ва Шудман қишлоқларига қурол-аслаҳа ва ўқдори ортилган карвон келган.

Боткен туманидаги ҳукумат қўшинларини янада кучайтириш учун Қирғизистоннинг Иссиқ Кўл вилоятидан бу ерга доимий армия аскарлари ва кўнгиллилар юборилди. Ўз-ўзини ҳимоялаш отрядларига қарийб 1200 киши қўшилди. Уларнинг барчасига ўқотар қурол берилди. Кўнгиллилар ҳозир давлатга қарашли муҳим иншоотлар ва ҳарбий объектларни қўриқламоқда. Қирғизистон қуролли бўлинмалари Ўш вилоятининг тўртта туманига олиб бориши мумкин бўлган йўлларнинг қарийб барчасини тўсган.

Ўш шаҳрига Россиядан кутилаётган самолётларнинг бири - «Ил-76» келди. Унда ҳарбий техника, махсус қурол-аслаҳа ва авиация бомбалари бор. Бу юк Россия ва Қирғизистон ҳукуматлари ўртасидаги келишувга биноан олиб келинди.

Боткен туманида 4183 нафар, Қадамжой туманида эса 1629 та қочқин рўйхатга олинди. Уларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатилмоқда.

(ЎзА)

1999 йил - Аёллар йили

МЕНЕЖМЕНТЛИКНИ ЎРГАНИШМОҚДА

Қаршидаги хотин-қизлар ўқув марказида Тадбиркор аёллар ташаббуси билан маркетинг ва менежмент асосларини ўрганишга бағишланган ўқув машғулотлари ўтказилди. Тадбирда Қарши шаҳридаги ташкилот ва корхоналарда меҳнат қилаётган, тадбиркорликни бошлаш арафасида турган аёллар, шу соҳа мутахассислари қатнашди.

ОНА ВА БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Нукусда 300 ўринли замонавий туғруқхона фойдаланишга топширилди. Уни «Қорақалпоқфуқароқурилиш» бирлашмаси бунёдкорлари қисқа муддатда қуриб берди. Туғруқхона энг янги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, малакали шифокорлар билан таъминланди.

(ЎзА)

Касаба уюшмаларида ҳисобот - сайлов конференциялари

Маълумки, касаба уюшмалари меҳнат аҳли, барча фуқаролар манфаати, ҳақ-ҳуқуқининг энг яқин ҳимоячиси сифатида фаолият кўрсатишга сафарбар этилган. Жиззах вилояти маданият ходимлари касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида меҳнаткашларнинг маданий-маърифий савиясини кўтариш, бу борадаги ҳуқуқларини таъминлаш масалалари кенг муҳокама этилди.

МАЪНАВИЯТДАГИ КЕМТИКЛИК

Ҳисобот давридаги фаолият юзасидан маъруза қилган Фаррух Ҳамзаев вилоят қўмитасининг вилоят бошқармалари билан ҳамкорликда, яъни матбуот бошқармаси, «Киновидео» ҳиссадорлик жамияти, вилоят босмахонаси, халқ ижодиёти маркази билан ўзаро тузган икки томонлама битимлари ижросига алоҳида тўхталиб ўтди.

Тизимда жамоа шартномаси асосида иш ташкил этилгач, маъмурият ва касаба уюшма қўмиталари ишловчиларнинг меҳнат ва маиший шароитлари ҳамда уларни соғломлаштиришни янада яхшилашга ҳаракат қилмоқдалар.

Бу соҳада, айниқса вилоят босмахонаси, илмий-услубиёт маркази, Жиззах шаҳар маданият бўлими, ўлкашунослик музейи, вилоят илмий-оммабоп кутубхонаси, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмасининг вилоят бўлими, «Жиззахсаёҳат» ҳиссадорлик жамияти, санъат билим юрти раҳбарияти ва касаба уюшмаларининг ҳамкорликда амалга оширган ишлари ибратлидир.

Мазкур ташкилотларда ишлаб чиқариш кўрсаткичларини бажармаслик, меҳнат қонунларини бузиш, ишчи ва хизматчиларнинг маъмуриятдан норозилиги каби нохуш ҳоллар кузатилмайди.

Бугунги кунда тармоққа қарашли 98 та ташкилотдан 54 тасининг жамоа шартномаларига ишчи-хизматчиларга, кам таъминланган кишиларга, ёлғиз оилаларга, боқувчисини йўқотган, аҳволи ночор оилаларга, ёлғиз аёлларга ёрдам кўрсатиш каби тадбирлар киритилган бўлиб, уларнинг бажарилиши касаба уюшма ташкилотлари томонидан назорат қилиб турилди.

«Аёллар йили» муносабати билан жойларда меҳнат қилаётган хотин-қизларга бўлган эътибор янада ошди. Уларнинг меҳнат шароитларини яхшилашга, алоҳида имтиёзлар берилишига, турмуш шароитларини кўтаришга оид бир мунча ишлар амалга оширилди. Жумладан, тармоқдаги саксон фоиздан ортиқроқ ташкилотларда хотин-қизларнинг иш соатлари бир соатга қисқартирилди, меҳнат таътилларига қўшимча кунлар белгиланди.

Ўз сафига қарийб 3 минг нафар аъзони бирлаштирган вилоят қўмитаси аҳолига маданий хизмат кўрсатиш савиясини ошириш,шунингдек, ушбу соҳада хизмат қилувчи меҳнаткашларни ҳимоя қилиш борасида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Бу соҳада у энг аввало жойлардаги бошланғич касаба уюшма ташкилотларига яқиндан суянмоқда.

Касаба уюшмаларининг ёрдами ҳамда вилоят маданият бошқармасининг саъй-ҳаракатлари туфайли ҳисобот даврида аҳолига 12 минг марта профессионал ва ҳаваскор санъаткорлар томонидан концерт, спектакл ва бошқа томошалар намойиш этилиб, 600 мингдан ортиқ кишига маданий хизмат кўрсатилган.

Вилоят санъаткорлари «Ўзбекистон-Ватаним маним», «Аёлларни мадҳ этувчи қўшиқлар» каби кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашиб, яхши натижаларга эришдилар, қўшни мамлакатларга гастролга бормоқдалар. Вилоят қўғирчоқ театрининг Америка Қўшма Штатларида сафарда бўлиши, у ерда «Томоша» спектаклини инглиз тилида кўрсатганликлари қувончли воқеа бўлди.

Республикамизнинг мустақилликка эришиши Жиззах вилоятида туризмни шакллашишига асос солди.

«Жиззахсаёҳат» ҳиссадорлик жамияти ташкил этилиб, сайёҳлик хизмати кўрсатиш тубдан яхшиланди. Ўзбекистон бўйлаб ва хорижий мамлакатларга янги йўналишлар очилди. Хизмат кўрсатишнинг кўплаб янги шакллари ташкил этилиб, сервис хизмати такомиллаштирилди. Айни пайтда меҳмонлар ва сайёҳларга «уч юлдуз»ли мақомига эга «Ўзбекистон» меҳмонхоналарда ўз малакаларини оширдилар.

Ҳисобот даврида 250 га яқин йўлланма республикамизнинг турли ҳудудларидаги соғломлаштириш масканларига олинди. Ходимлар фарзандлари ҳам эътибордан четда қолдирилмади.

Ҳисобот-сайлов конференциясида сўзга чиққан вилоят қўғирчоқ театри касаба уюшма қўмитаси раиси А.Юсупов, вилоят босмахонасининг бош мухандиси М.Шодиев, маданият бошқармасининг бошлиғи Э.Ўринов, «Жиззах ҳақиқати», «Джизакская правда» газеталари касаба қўмитаси раиси А.Каримов, «Жиззах-саёҳат» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси А.Алимов ва бошқалар касаба уюшмаларининг амалга оширган ишлари, вилоят қўмитасининг фаолияти, соҳа олдида турган муаммоларга тўхталиб ўтдилар.

Жумладан, баъзи ташкилотларда иш ҳақлари ўз вақтида тўланмаётир. Бу эса меҳнаткашларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Мирзачўл туман кинодирекцияси ходимлари 1998 йилнинг саккиз ойи, Зомин кинодирекцияси ходимлари шу даврнинг ўн ойи, Бахмалда олти ой, Фориш туманидаги ходимлар эса уч ой мобайнида қонуний иш ҳақини ололмаганликлари ачинарли ҳолдир. Бунинг натижасида жамоа шартномаларида белгиланган айрим бандлар бажарилмай қолди., ижтимоий ҳимоялаш ва бошқа ижтимоий-маиший масалалар ўз ечимини топмади, уларга сарфланадиган маблағларнинг миқдори пасайиб кетди.

Шунингдек, конференцияда сўзга чиққан нотиқлар меҳнаткашларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий манфаатларини ҳимоялашни такомиллаштириш, бironта ҳам оила, фуқаро касаба уюшмалари эътиборидан четда қолмаслиги лозимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Шавкат ЁҚУБОВ.

ҚИРҒИЗИСТОННИНГ ТАҲЛИКАЛИ КУНЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ларнинг шафқатсизлигига дош беролмасдан истиқомат жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлмоқдалар. Сўнгги кунларда Боткен туманидаги террорчилар босиб олган қишлоқлардан салкам беш минг киши, Қадамжой туманидан эса 1600 нафардан кўпроқ киши уй-жойини ташлаб чиққанлар.

Республиканинг барча давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари Боткен туманини ташлаб чиққан қочоқларга инсонпарварлик ёрдами сифатида озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон, қурилиш материаллари етказиб бермоқда. Мазкур туман ҳудудида палаткаларда жойлашган қочоқлар орасида юқумли касаллик пайдо бўлмаслиги учун улар хонадонларга жойлаштирилган. Афсуски, жанг давом этаётган минтақалардан уй-жойини ташлаб чиқаётганлар сони кўпайиб бормоқда.

Қирғизистон қуролли кучлари жангарилар ўрнашиб олган ҳудудларни тозалаш борасида турли тадбирлар ишлаб чиқмоқда. Мудофаа вазирлиги қисмлари, бўлинмалари, ички ишлар вазирлиги, миллий гвардия қисмлари тинимсиз жанговар тайёргарликдан ўтмоқда. Тоғ шароитида жанг қилишнинг сир-асрорларини ўзлаштириш борасида махсус машқлар ўтказмоқда.

Қирғизистон Республикаси раҳбарияти Боткен, Қадамжой, Чўн-Олой туманлари аҳолисининг хавфсизлигини таъминлаш борасида зарурий чора-тадбирларни кўрмоқда. Хусусан, Чўн-Олой туманида вайроналарни қайта тиклаш ишлари давом этмоқда. Бу ерга етарли техника, ишчи кучи келтирилган. Зарур қурилиш материаллари Ўш ва Жалолободдан мунтазам келтириб турилибди.

Тожикистон ҳукумати ва Бирлашган тожик мухолифати Миллий ярашув комиссияси қарорига асосан Бирлашган тожик мухолифатининг барча ҳарбий тузилмалари тарқатилиб, улар қурол-аслаҳаларини ҳуқуқ-тартибот идораларига топширишлари шарт эди. Ўтган ой бошларида Тожикистон ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари билан учрашувда Президент Имомали Раҳмонов қуролярағларини айтилган муддатда тегишли идораларга топширмаган кимсалар устидан қонун асосида қатъий чоралар кўрилишини таъкидлади. Саид Абдулло Нурий ҳам ўз тарафдорларини жамоатчилик назарида ушбу қарорга итоат этишга чақирган бўлса-да, Бирлашган тожик мухолифати ашаддий жангариларининг бир қисми қуролларини топширмасдан, ҳеч қандай қаршиликсиз Қирғизистон тоғларига ўтиб кетганлиги аён бўлди. Маълумки, тоғда ҳаёт кечириш осон эмас. Айниқса, қорли-қировли кунлар яқин қолганда. Бу тўдалар Тожикистонда бўладиган сайловлар қайси томоннинг фойдасига ҳал бўлишини кузатиб, агар буйруқ бўлса ўз намояндалари учун яна қурол кўтариш мақсадида тоғларда жон сақламаяптимикан, деган савол туғилади. Қисқаси, фатво бўлиши билан тўдалар яна бирлашиши, қуроллар яна қўлга олиниши мумкин.

Вақт олий ҳакам. Бугун ким, нима учун жанг қилаётгани аниқ бўлиб бораяпти. Халқаро терроризмга мансуб бу тўдалар таркибида ўзбек, тожик, қирғиз, араб, пуштун ва бошқа миллат вакиллари борлиги ҳаммага кундек равшан бўлиб қолди. Сўнгги русумдаги қурол-аслаҳа, замонавий радиоалоқа жиҳозларига эга бўлган бу тўдаларнинг орқасида кимлар турганлиги маълум бўлиб бормоқда. Қирғизистонда босқинчилик қилаётган жангарилар ҳеч нарсадан тап тортмасдан юзсизларча, қабиҳ, ғаразли ниятларини очиқ-ойдин айтишаяпти. Мақсадлари — Марказий Осиёда ақидапарастликни ёйиш, мамлакатлар аро низолар келтириб чиқариш, мавжуд конституцион тузумларга тажовуз қилиш, юз бериши мумкин бўлган беқарорлик, парокандаликдан ўз ғаразли мақсадлари, қабиҳ ниятлари йўлида фойдаланишдир.

Шу ўринда халқимизнинг «Яхши одам юрт тузар, ёмон одам юрт бузар» деган ажойиб мақоли ёдга тушади. Бузғунчиларнинг қилмишлари уларнинг асл башарасини кўрсатиб турибди. Юртбузарликка, қардош халқлар орасидаги аҳиллиқни барбод этишга қаратилган манфур, қора ниятлари ҳеч қачон амалга ошмайди.

Зариф МИРЗО.

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Нарпай туманида 67 та мактаб, битта лицей, 44 та болалар боғчаси, 9 та мактабдан ташқари тарбия муассасаларини кузги-қишқи мавсумга тайёрлаш ишлари тўла бажариб бўлинди. Жумладан, 1, 3, 4, 22, 48 - мактабларга табиий газ киритилди, 64,25,57,67,30 - мактабларда марказий иситиш системаси учун алоҳида қозонхоналар қурилди. Шунингдек, 20 та электр, 30 та газ ҳисоблагич янгилари билан алмаштирилди.

Бу борадаги ўтказилган кўрикда 4, 12, 16, 17, 31, 52, 64 - мактаблар, 7,10,17 - болалар боғчалари энг яхши таъмирланганлиги қайд этилди. Ғолиблар рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирландилар.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.



Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги «Ховдак» йод ва бром ишлаб чиқариш заводини қуриш бундан бир йил илгари бошланган эди. Бу ерда дастлаб синов тариқасида кичик йод ишлаб чиқариш цехи қурилиб, ишга туширилди. Ҳозирда туманнинг «Ховдак» массивида 2735 метр чуқурликдан 75 градус иссиқликда йод-бром таркибли сув отилиб чиқмоқда.

Текширувлар шуни кўрсатдики, йилига «Ховдак» дан 3 тонна йод ва 52 тонна бром моддасини ишлаб чиқариш имконияти бор. Шу боис синов учун қурилган цехни қайта жиҳозлаб, бром ишлаб чиқариш цехига айлантирилди. Йод ишлаб чиқариш учун эса янги цех қурилди. Йод ва бром таркибли сувдан дастлаб йод, сўнгра бром моддалари олинади.

Мазкур тумандаги Какайти массиви (Боботоғ этаклари) дан ҳам йилига 3,5 тоннага яқин йод, 81 тонна бром ишлаб чиқариш зонаси борлиги аниқланди. Шунингдек, Термиз туманидаги Уч - Қизил массивидан йилига 1,4 тонна йод ва 33,4 тонна бром моддасини олиш мумкин. 2000 йилдан эса ушбу зоналарда қудуқлар қуриш мўлжалланмоқда. Кўзланган режалар амалга оширилса, республикамизда ишлаб чиқарилаётган 20 тонна йоднинг 8 тоннасини Сурхондарё вилоятида ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Суратда: операторлар Аъзам Абдуллаев, Норсаид Қурбонов ва шу завод бошлиғи Қарши Ғаниев янги қурилган цехда.

И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

«ЗАНГОРИ ОЛОВ» ТАФТИ

Ўттиз бир километрли Хатирчи - Зарафшон газ қувурининг тортилиши ва хонадонларда «зангори олов» ёна бошлаганини боғчакалонликлар истиқлол берган шодлик ва қувонч туҳфаси сифатида қабул қиладилар. Йил охирига келиб Зарафшонда 2017 уй бекалари ана шу қулайликдан баҳраманд бўладилар.

Республика мустақиллигигача бўлган даврда Хатирчида ҳаммаси бўлиб 172 километр масофага газ қувури ётқизилган бўлиб, газлаштириш даражаси бор-йўғи 16 фоизни ташкил этар эди. Бугунги кунга келиб 15 мингдан ортиқ хонадон беминнат ёқилғидан баҳраманд, газлаштириш даражаси эса 71 фоизга ўсган. Биргина шу йилнинг олти ойи мобайнида 490 хонадон газлаштирилди, аҳолига 552 миллион 306 минг сўмлик хизмат кўрсатилди, шу жумладан, 4260 хонадон газ истеъмолида ҳукумат берган имтиёздан фойдаланмоқда. Маҳалла қўмиталари, хўжалик, корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик яхшиланганги, жойларга газ ўлчагич асбоблари ўрнатилгани, тўлов шартларининг аниқ маромга тушиши дебиторлик қарзларига узил-кесил барҳам берди. Корхонада ҳар ойда режа бажарилаётгани учун ишловчиларга маош билан биргаликда мукофот, овқат, йўл пуллари тўланмоқда. Уларнинг дам олишлари учун қулайликлар яратилган.

* * *

Иштихон туманида ҳам аҳолини табиий газ билан таъминлашда бирмунча ишлар қилинди. Туманда шу кунгача 12630 хонадонга «зангори олов» кириб борди. Жумладан, байрам арафасида Муробод - Бойбўто оралиғидаги 5 километрли қувур ишга туширилиши натижасида Қозоқовул қишлоғида газ ёнди.

«Хатирчигаз» корхонаси томонидан йил охиригача яна 1200 хонадонни ана шу қулайликдан баҳраманд этиш мўлжалланган. Шу мақсадда Иштихон - Митан йўналишида 7,5 километр, Иштихон шаҳрида ҳалқасимон усулда 2 километр газ қувурлари жадал таъмирланмоқда.

Шунингдек, Навоий номли, «Азамат», «8 Март» жамоа хўжаликларида ҳам бу борадаги ишлар йил охиригача ниҳоясига етказилади.

OLAMDA NIMA GAP

ПАРИЖ. Франция Президенти Жак Ширак Италия Вазирлар кенгаши раиси Массимо д'Алемо билан учрашди. Бу учрашувда Европада ягона мудофаа тизимини яратиш ҳамда Жаҳон савдо ташкилоти доирасида ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

ДЕҲЛИ. Расмий Исломобод Вашингтоннинг «Покистон генераллари мамлакатда давлат тўнтариши тайёрлаётгани»дан ташвишга тушаётганини ноўрин деб ҳисобламоқда. Бу ҳақда Покистон ахборот вазири Мушоҳид Хусайннинг ҳукумат мажлисидан сўнг журналистларга берган интервьюсида маълум қилинган.

М.Хусайннинг таъкидлашича, Покистоннинг турли соҳа вакиллари, хусусан фуқаролари билан ҳарбийлар ўртасидаги муносабатларда ҳеч қандай муаммо йўқ. Армия конституцияга зид равишда мамлакат ҳукуматига қарши ҳаракат қилмайди.

* * *

БЕЛГРАД. Загребда 28 ёшли хорват миллатига мансуб шахс учта қотиллик содир этди. У никоҳни бекор қилиш юзасидан ўтказилаётган суд жараёнида ўз турмуш ўртоғи, унинг ҳимоячиси ҳамда суд раисини отиб ўлдирди ва суд котибини ярадор қилди. Жиноятчининг ўзи эса суд залидан қочиб кетди.

Кўп ўтмай жиноятчи Хорватия билан Словения ўртасидаги чегарада қўлга олинди. Унинг ёнидан ўқотар қурол топилган.

* * *

ПАРИЖ. Исроил ҳукумати 12-15 ойлардан сўнг Сурия билан тинчлик битимини имзолашга тайёр. Бу ҳақда Парижда Исроил Бош вазири Эҳуд Барак Франция Президенти Жак Ширак билан учрашувидан сўнг эълон қилди. Унинг таъкидлашича, Исроил ҳукумати 2000 йилнинг июлига қадар Ливан жанубидаги хавфсизлик зонасидан ўз қўшинларини олиб чиқишни режалаштирмоқда.

Э.Барак ва Жак Ширак ўртасида ўтказилган мулоқотда Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнида Франция ва Европа Иттифоқининг иштироки ҳамда Исроил, Сурия ва Ливан ўртасида тинчлик музокаралари ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

БЕРЛИН. Германия жанубидаги Вернек шаҳри яқинида ёнғин хавфи бор юк ортилган катта машина ҳалокатга учради ва портлаб кетди. Полициянинг маълум қилишича, юк машинаси юқори тезлик магистралида тўхтаган енгил машинага бориб урилган. Тўқнашув натижасида машинадаги аэрозоль моддаси тўлдирилган баллонлар ёнган. Гувоҳларнинг айтишича, аланга 50 метр баландликкача кўтарилган. Ёнғин ва портлаш натижасида икки машина ҳам бутунлай ёниб кетган. Бахтли тасодиф туфайли ҳайдовчилар омон қолган.

НАРКОБИЗНЕС - ТЕРРОРНИНГ МОЛИЯВИЙ РАҲНАМОСИ

Қирғизистоннинг Боткен туманидаги вазият ҳамон кескинлигича турибди. Кейинги пайтда ҳукумат қўшинлари ва жангарилар ўртасидаги тўқнашувлар кучайди. Ҳар икки томондан ҳам қурбонлар бор. Оммавий ахборот воситалари жангарилар ортида хорижий давлатлардаги экстремистик кучлар турганги ҳақида хабарлар эълон қилди. Лекин, вазиятга чуқурроқ назар ташланса, террорчиларнинг маънавий раҳнамолари экстремистик кучлар бўлса, молиявий дастаги наркобизнес экани ойдинлашади.

Боткенда танглик уюштириш орқали айрим қора кучлар бир ўқ билан икки қуённи уришни ўйлаган бўлса, ажаб эмас. Бу ғаразли мақсадларнинг биринчиси минтақамиз давлатларида конституциявий тузумни ағдариш бўлса, иккинчиси наркобизнес учун янгидан-янги йўналишлар очишдир.

Гапни бир бошдан бошласак. Боткендаги террорчиларнинг Бирлашган тожик мухолифати, «Толибон» ҳаракати билан узвий алоқада эканлиги яқинда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотида ўз тасдиғини топди. «Толибон» ўз фаолиятини, асосан, наркобизнесдан келадиган даромад ҳисобига маблағ билан таъминлайди. Бундан Тожикистондаги қуролли гуруҳлар ҳам четда қолаётгани йўқ. Наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича халқаро ташкилотлар, шунингдек, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг маълумотларида қайд этилишича, Афғонистонда етиштириладиган жами оғунинг 90-95 фоизи «Толибон» назорати остидаги ҳудудларга тўғри келади. Толиблар бу соҳани ҳатто қонунийлаштириб қўйган. Буни гиёҳвандлик моддаларига жорий қилинган учта солиқ тасдиқлайди. Яъни, уни етиштирувчи деҳқон ҳам, хомашёдан тайёр маҳсулот тайёрлайдиган «лабораториялар» ҳам ва ниҳоят, контрабанда билан шуғулланувчилар ҳам «Толибон» ҳукуматига солиқ тўлайди.

Айтиш керакки, толиблар жамоатчилик фикрини чалғитиш учун хорижлик журналистлар олдида бир неча килограмм оғуни ёқиб юборади. Бундай саҳналардан кейин наркобизнесга алоқаси йўқлигини баралла айтади. Уларнинг мамлакат ичидаги сиёсатида эса, шариат «динсизлар» ёки «кофирлар»нинг зарари учун наркотик модда сотишга йўл қўяди, деган ақида ётади.

Энди масаланинг бошқа томонига эътибор қаратсак. Ўтган йили турли сабабларга кўра Афғонистонда ҳосил яхши бўлмади. Лекин, шунга қарамай, мамлакатда катта миқдордаги наркотик модда сотилмай қолиб кетди. Кузатувчилар бунинг биринчи сабабини Эрон ҳукумати томонидан Афғонистонга чегарадош ҳудудларда назорат кучайтирилганлиги билан изоҳламоқда. Натижада 1998 йилда килограмми 600-800 АҚШ долларида баҳоланаётган гиёҳвандлик моддасининг нархи бу йил 200 долларга тушиб қолди. Бу, табиийки, катта зарар, деган гап.

(Давоми 4-бетда)



Флорида

НЬЮ-ЙОРК. Германия БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси мақомини олиш учун барча имкониятларини ишга солади. Нью-Йоркда БМТ Бош ассамблеяси сессиясида иштирок этаётган Германия ташқи ишлар вазири Йошка Фишер ЦДФ немис телекомпаниясига берган интервьюсида шундай деди.

* * *

ТБИЛИСИ. Грузия қуролли кучлари бош штаби бошлиғи Жони Пирцхалаишвили беш кунлик ташриф билан Болгарияга жўнаб кетди. У Софияда мамлакат қуролли кучлари бош штаби бошлиғи ҳамда мудофаа вазири билан учрашиб, икки давлат ўртасида ҳарбий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилади.

Шунингдек, Варнада унинг Болгария ҳарбий-денгиз кучлари штаби бошлиғи билан учрашуви ҳам режалаштирилган.

* * *

ҚОҲИРА. Бағдод фақат жазо чоралари бекор қилинган тақдирдагина БМТ Хавфсизлик кенгаши билан ҳамкорлик қилади. Бу ҳақда Ироқ вице-президенти Таха Ёсин Рамазон эълон қилди.

Ироқ ҳеч қачон ўз иштирокисиз ва ўз фикри инобатга олинмаган ҳолда қабул қилинадиган қарорларни тан ҳам олмайди, қабул ҳам қилмайди. Талабимиз аён, биз жазо чоралари ҳеч қандай шартсиз бекор қилинишини истаймиз, деди у.

/ЎзА/

TV

ДУШАНБА, 27

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома»
*
8.40 «Рақслар гулдастаси».
9.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.35 «Довюраклар». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Аждаҳо ва қуёш». Мультфильм.
10.20 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.40 Кундузги сеанс: «Муҳаббат тилсими». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.40 «Шоҳрўҳ» клуби.
13.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Қайта ҳаёт бағишлаб». Премьера.
13.20 «Олтин дала». Ахборот-мусиқий кўрсатув.
14.10 «Меҳригиё».
14.25 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
15.20 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
15.35 Ватан тимсоллари.
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 11-қисм.
16.00 Ёш хонандалар концерти.
16.25 «Одам-амфибия». Бадиий фильм.
18.10 «Зумраша». Ҳажвий киножурнал
18.20 «Истиқлол ва тарих».
19.00 «Мувозанат».Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Сайловлар ва сиёсий партиялар. «Халқ Демократик партияси».
21.25 «Мукофот муборак». Мусиқий дастур. 1-қисм.
22.20 «Аёл — олам чироғи».
23.00 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 84-қисм.
23.50 «Ахборот».
00.20-00.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Қувноқ учрашув», мульттомоша)
18.40 «Буюк юрт фарзандиман».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «О, ёшлигим».
19.55 «Мусиқий лаҳзалар».
20.05, 20.35, 23.30 - Эълонлар.
20.10 «Ёшлар» телеканали намойиш этади «Ҳақиқат чегараси» Телесериал.
20.40 «Сурур». Мусиқий дастур.
20.55 «Менинг орзуим».
21.00 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
21.15 «Душанбада кўришгунча».
21.30 «Ҳаёл».
21.50 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Эгиз қўшиқлар».
22.55 «Олам футболи».
23.15 Шарқ эстрадаси.
23.35 «Инспектор Морз». Телесериал.
01.20 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.55 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 9-10 серия.
19.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Янги ой чиққан кеча».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ҳамшаҳарлар».
21.25 «Даллас». Телесериал.
22.15 «Устоз, мураббий».
22.35 «Инсон қалбига йўл». Телефильм.
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 Кинонигоҳ. «Дўст қулфатда билинар».
00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси» .
9.20 Кинематограф. «Эдит ва Марсель». Бадиий фильм. 1-2 сериялар.
11.40 «ТАСИС» дастури намойиш этади».
12.10 -13.05 «Буржлар башорати».
***
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Бинафша».
17.55 «Бу ажиб дунё». Россия жамоат телевидениеси.
18.10 «Миллий ов хусусиятлари». Бадиий фильм.
20.00 «Время».
21.00 Жаҳон киноси. «Ванда лақабли балиқча». Кинокомедия.
*
23.00 «Дил изҳори».
23.10 Кинематограф. «Пок куртизан қизи». Бадиий фильм.
00.40 «Ахборот» (рус тилида)
01.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30, 13.45, 18.00, 19.50, 01.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.20 Болалар учун фильм.
11.35, 20.10 — «Клип-фотосовғача» танлови.
11.40 «Клип-совғача».
12.00 «Тушки кино».
14.15 «Капалаклар ороли». Телесериал.
15.00 Ҳинд киноси.
17.30 «Экран санамлари».
18.30 «Шарқ юлдузи». Тарихий шаҳарларга саёҳат.
19.00 «Амалиёт». Детектив сериал (АҚШ).
20.20 «Клип-совға».
21.30 «Ҳафта фильми».
23.30 Мусиқий-дам олиш канали.
24.00 «Бедорлик».

ЯКШАНБА, 3

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.00 «Буюк келажак-2000». Телемарафон.
9.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Мусиқий дастур.
9.45 «Ғаройибот».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 С. Аҳмад «Буқаламун билан учрашув».
11.35 «Шоҳрўҳ» клуби.
12.05 Кундузги сеанс: «Императорнинг махфий фармони». Бадиий фильм.
13.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» — «Пахтакор».
14.15 «Мозийдан бир мўъжиза».
14.30 «Кучукча ва эски шиппак». Мультфильм.
14.40 «Оталар чойхонаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
15.40 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
16.00 «Бўстон». Тележурнал.
16.30 «Доктор Жекил ва мистер Хайднинг ғаройиб саргузаштлари». Бадиий фильм.
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.20 «Водий таронаси». С. Маннопов.
Мухаммедов.
13.15 «Муносабат».
13.35 «Спорт қитъаси». Теннис.
14.05 «Мусиқий глобус».
14.25 «Шу куннинг мавзуси».
14.45 «Ёш Индиана Жонс ҳаётидан». Телесериал.
15.30 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
16.00 «Ёшлар» телеканалида.
16.05 Синема.
17.40 «Сенинг вақтинг».
***
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Олтин калит»)
18.40 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
18.55 «Эски альбомдан».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Баҳс, мунозара, таҳлил».
19.55, 20.35, 23.30-Эълонлар.
20.00 «Рамаяна». Телесериал.
20.40 «Бизнес-академия».
21.0 «Матбуот».
21.10 «Мусиқий лаҳзалар».
21.15 «Кутилмаган меҳмон» .
21.35 «Сир».
21.55 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Давр» интервью.
22.50 «Мафтункор чеҳралар».
23.10 «Мусиқа теграсида».
23.05 «Ёшлар» телеканалида.
23.35 Синема . «Амаки-ваччам Винни».
01.30 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
9.00 «Тонгги пойтахт».
9,30 «Ҳанда дўкони».
9.50 «Саломатлик чорраҳасида».
10.00 Болажонлар экрани. Том Сойернинг саргузаштлари. 2-серия.
11.05 «Таянч».
11.30 «Ишдаги ишқ ёки...».
11.55 «Ёшлар ҳудуди».
12.25 «Ибрат».
12.50 «Бева Бланка». Телесериал.
13.35 «Муаллиф».
14.05 Кинонигоҳ. «Леон».
